



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 20 » fevral

№ 97

Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 13 февралдаги ПҚ–71-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш, мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2024-2025 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш учун субсидия ажратиш тажрибаси ўтказиладиган туманлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Пахта майдонларида тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, 2024-2025 йилларда тажриба тариқасида субсидия ажратиладиган ердан фойдаланувчилар рўйхатини шакллантиришда **қуйидаги мезонлар инобатга олинмайди:**

ердан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

ердан фойдаланувчиларни солиқ хавфининг ўрта ва юқори даражасига киритилмаганлиги;

қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини ердан фойдаланувчиларга мулк ҳукуқи асосида тегишлиги.

3. Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича республика комиссияси:

2024 йил 1 майга қадар Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси грантлари ҳисобидан мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ **6 500 гектарда кўргазмали майдонларни** ташкил этсин;

кўргазмали майдонларда қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳамда ердан фойдаланувчилар учун **тупроқни органик моддалар билан бойитишга қаратилган самарали агротехника тадбирларидан фойдаланиш бўйича кўргазмали ўқув-семинарлари ўтказилишини таъминласин;**

ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ 13 та туманда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини жойига, чиққан ҳолда **доимий мониторинг қилиб борсин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўзкимёсаноат” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда **тупроқнинг гумус миқдорини ошириш учун қўлланиладиган ўғитларга қўйилган стандарт талабларини** минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирларига ажратиладиган субсидиялар учун ердан фойдаланувчиларга **ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлар** очилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда 13 та туманда:

2024 йил 1 августга қадар ҳар бир ердан фойдаланувчилар учун **ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлар очилишини** ҳамда ушбу махсус мақсадли ҳисобварақлардан **2025 йил 31 декабрга қадар вақтинча фойдаланишни;**

2024 йил 1 октябрга қадар тупроқнинг гумус миқдорини ошириш учун қўлланиладиган ўғитларни **марказлашган ҳолда битта жойда тўплашни** ва ердан фойдаланувчиларга **етказиб берилишини таъминласин.**

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

геоахборот тизимида тупроқнинг ҳайдов қатламидаги гумус миқдори бир фоиздан кам бўлган ер участкаларининг контурлар кесимидаги электрон харитасини шакллантирсин;

2024-2025 йилларда пахта майдонларида **тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари ўтказилган ер участкалари** ҳисобини юритсин;

бир ой муддатда мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ 13 та туманнинг пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган илмий асосланган агротехника тадбирларини амалга ошириш бўйича **“йўл харита”ларни тасдиқлаш** учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йил 15 декабрга қадар 13 та тумандаги ердан фойдаланувчиларга пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш ҳамда пахта хомашёсини етиштириш натижаларини таҳлил қилиб, мазкур тажрибанинг самарадорлиги бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Қуйидагиларни назарда тутувчи Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш шартлари;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия олиш хоҳишини билдирган ердан фойдаланувчиларнинг рўйхатини шакллантириш тартиби;

илмий асосланган агротехника тадбирларини амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш бўйича талаб этиладиган ҳужжатлар, уларни кўриб чиқиш ҳамда субсидия ажратиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирларини мониторинг қилиш тартиби.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “20” февралдаги 97 -сон қарорига
1-илова

**2024-2025 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш учун субсидия ажратиш тажрибаси
ўтказиладиган туманлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар номи	Туманлар номи	Асосий экин майдони (гектар)	Шундан, пахта майдони (гектар)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Элликқалъа	24 208	9 200
2.	Андижон вилояти	Улуғнор	20 727	8 124
3.	Бухоро вилояти	Вобкент	20 211	10 107
4.	Жиззах вилояти	Шароф Рашидов	29 923	10 000
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши	37 979	15 300
6.	Навоий вилояти	Навбаҳор	23 720	6 600
7.	Наманган вилояти	Поп	36 729	9 915
8.	Самарқанд вилояти	Нарпай	21 115	10 762
9.	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон	19 423	7 140
10.	Сирдарё вилояти	Сайхунобод	28 462	11 500
11.	Тошкент вилояти	Қуйичирчиқ	35 969	11 200
12.	Фарғона вилояти	Бешариқ	20 434	7 650
13.	Хоразм вилояти	Қўшқўпир	23 909	9 775
Жами:			342 809	127 273

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “20” февралдаги 97-сон қарорига
2-илова

Пахта майдонларида тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
I. Пахта майдонларида тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини ошириш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш				
1.	Пахта майдонлари тупроқларида содир бўладиган гумификация ва дегумификация жараёнларини таҳлил қилиш. Бунда: гумуси миқдори кам бўлган тупроқларни аниқлаш, хариталарни яратиш ва мониторинг қилиш; тупроқларда содир бўлаётган гумификация ва дегумификация жараёнларини таҳлил қилиш; гумуссизланиш жараёнини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.	2024 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)
2.	Пахта майдонларида тупроқларни органик моддалар (гумус) билан бойитишга қаратилган агротехника тадбирларидан фойдаланиш бўйича қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳамда ердан фойдаланувчиларга ўргатиш. Бунда: гумус миқдори кам бўлган тупроқлар учун алоҳида мониторинг майдонларни белгилаш;	2024-2025 йилларда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			махаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ 13 та туманнинг ҳар бирида ташкил этиладиган 500 гектарли кўргазмали пахта майдонларида тупроқни органик модда (гумус) билан бойитишга қаратилган агротехника тадбирларидан фойдаланиш бўйича семинарларни ташкил этиш.		хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	
3.	Унумдорлиги паст бўлган ер майдонларида оралиқ экин сифатида сидерат экинларни экиш. Бунда: унумдорлиги паст бўлган ер майдонларини аниқлаш ва таҳлил қилиш; сидерат экинларни турли муддатларида экиш, яшил биомасса тўплашини таҳлил қилиш; яшил биомасса билан тупроққа тушаётган органик ва минерал озика моддаларини аниқлаш.	2024-2025 йилларда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)
4.	Экин майдонларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлиллари асосида минерал ўғитларни қўллаш нисбатларини (1:0,7:0,5) сақлаб туриш. Бунда: тупроқнинг ҳайдов қатламидаги озуқа элементларини аниқлаш; тупроқни озуқа элементлари билан таъминланганлик даражасини ифодаловчи картограммаларни ишлаб чиқиш;	2024 йил апрель	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	тупроқни озуқа элементлари билан таъминланганлик даражасига қараб экинларнинг минерал ўғитларга бўлган талабини белгилаш.	2024 йил май		
5.	Агрокластерлар, йирик чорвачилик хўжаликлари, пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида қорамол гўнги, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндилар ва фосфорит асосида чорвачилик хўжадикларида гумусга бой ўғитлар тайёрлаш ва қўллаш меъёрлари, давомийлиги ва шароити, шунингдек, қўллашнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамияти бўйича семинарларни ташкил этиш.	2024-2025 йилларда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)
6.	20 бош ва ундан кўп қорамоли бўлган чорвачилик хўжаликларида шартнома асосида қорамол гўнги, ўсимликлар қолдиқлари ва фосфорит асосида компост тайёрлаш йўли билан гумусга бой ўғитлар ишлаб чиқариш чораларини кўриш. Бунда: ҳосил бўладиган қорамол гўнги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир чорвачилик хўжаликлари ҳудудида (эни 1,5-2 м, узунлиги 10-20 м чуқурлиги 10-20 см) хандақлар қазилар; ҳар 10 тонна қорамол гўнгига 1 тонна миқдорда фосфорит хомашёсини қўшиб гумусга бой ўғитлар тайёрлаш;	Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б. Норқобилов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	қорамол гўнгига фосфорит хомашёсини аралаштириш ва ҳандакда компост баландлиги 1,5-2 метр бўлган компост уюмини шакллантириш учун чорвачилик хўжаликларини зарур техник воситалар билан таъминлаш; тайёрланган компостни 90 кун давомида гумусга бой ўғитга айлантириш шароитини яратиш учун етилгунга қадар ҳар 30 кунда аралаштириб туриш ва намлигини 65-75% атрофида бўлишини таъминлаш; тайёр ўғитдан намуна олиб кимёвий таҳлилга юбориш; тайёр гумусга бой ўғитни усти ва атрофини ёпиқ ҳолда сақлаш; 13 та туманларнинг гумусга бой ўғитларга бўлган талабидан келиб чиқиб, ўғитларни етказиб бериш.			
7.	Шартнома асосида қўнғир кўмир ва фосфоритлар асосида гумусга бой оддий суперфосфат ўғитини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда ушбу ўғитларни ердан фойдаланувчиларга етказиб бериш йўлга қўйиш.	2024 йилдан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
8.	Тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, экинларнинг минерал ўғитга бўлган талабини қисқартириш мақсадида 2024-2025 йилларда чорвачилик фермаси мавжуд бўлган агрокластер ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари майдонларида 4 сотихли биогумус тайёрлаш майдончаларини ташкил қилиш.	2024 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)
9.	Гумусга бой оддий суперфосфат ўғитини ишлаб чиқариш ва қўллаш (муддати ва меъёрлари) бўйича куйидагиларни назарда тутувчи қўлланма ишлаб чиқиш: гумусга бой оддий суперфосфат ўғитини экин майдонларида қўллаш учун етказиб беришдан олдин унинг таркибида зарур гумин кислотаси ва ўзлаштириладиган фосфор элементи мавжудлиги бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Фанлар академиясининг хулосасини олиш; гумусга бой оддий суперфосфат ўғити қўлланилганлигини аниқлаш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида таҳлиллар ўтказиш.	2024 йил март	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
10.	Чорвачилик хўжаликлари ҳудудларида қорамол гўнглари, фосфоритлар, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндилар асосида компост тайёрлаш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш, бунда: қорамол гўнги, фосфорит, ўсимликлар қолдиқлари асосида компост тайёрлаш йўли билан гумусли ўғит тайёрлаш учун махсус ҳандақлар қазиш; хомашёлардан гумусга бой ўғит олингунга қадар бўлган ишларни бажариш учун техник воситалар билан таъминлаш, маъсул ишчи ва ходимларни тайинлаш; фосфорит хомашёсини ва гумусга бой ўғитни сақлаш учун омбор қуриш; гумусга бой ўғитни ташишни назарда тутиш.	2024 йил май	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б. Норқобилов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)
11.	Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида қуриладиган йирик паррандачилик комплексларида Фанлар академияси ҳузуридаги Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий асосланган таклифлари асосида парранда чиқиндисидан тезкор усулда гумусга бой органик ўғит тайёрлаш технологиясини амалиётга жорий этиш.	2024-2025 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б. Норқобилов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
12.	Тупроқни муҳофаза қилишга қаратилган ердан фойдаланиш тизимини жорий қилиш, бунда: экинларни алмашлаб экиш; сидерат экинларни экиш (<i>оралиқ (сидерат) экин сифатида рапс, перко, рож каби экинларни кузда экиб, эрта баҳорда шудгорлаш орқали тупроққа гектарига 10-20 тонна яшил биомасса киришига эришиш. Такрорий экинлардан эрта муддатларда бўшаган майдонларга сидерат экинлар экилишини йўлга қўйиш</i>); тупроқнинг устки қатламига майдаланган торф, сомон ёки ёғоч қипиғи каби чиқиндиларни сепиш; қишлоқ хўжалиги корхоналари орасида “No-Till” технологиясини – ерни ҳайдамасдан (шудгорламасдан) унга экин экишни оммалаштириш.	Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)
13.	Беда экинини алмашлаб экиш тизимида киритиш ва шу асосда чорвачилик хўжаликларида гўнг чиқаришни кўпайтириш ҳисобига тупроқдаги гумус миқдорини 0,2-0,3 фоизга ҳамда пахта ёки ғалла ҳосилдорлигини ўртача 25-30 фоизга ошириш.	Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
14.	Фосфорли ўғитларни органик ўғит билан бирга қўллаш ҳисобига қўлланилаётган фосфорли ўғитларнинг самарадорлик коэффициентини 20-25 фоизга ошириш.	Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)
II. Пахта майдонларида тупроқдаги гумус миқдори ва унумдорлигини ошириш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш				
15.	Япониянинг “Fujimin” технологияси асосида ишлаб чиқарилган суюқ биоўғитни Ўзбекистон шароитида иссиқхоналарда синовдан ўтказиш ҳамда ушбу ўғитларни ҳар хил экин тури ва турли тупроқларда қўллаш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли амалий лойиҳани амалга ошириш.	2024-2027 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов)
16.	Глобал иқлим ўзгариши шароитида тупроқда содир бўлаётган дегумификация жараёнларини баҳолаш, олдини олиш бўйича илмий-амалий ечимларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли амалий лойиҳани амалга ошириш.	2024-2027 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
				тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов)
17.	Шўрланган тупроқ шароитида табиий ресурслар асосида олинган гуминли-органоминерал ўғитларни қўллаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли инновацион лойиҳани амалга ошириш.	2024-2026 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов)
18.	Ер эрозияси жараёнида тупроқдаги органик моддаларни ювилишини олдини олишга қаратилган агротехнологияларни ишлаб чиқиш.	2024-2026 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов)
19.	Тўғридан-тўғри ўлчовлар ҳамда масофадан зондлаш/сунъий интеллект ва тупроқ спектроскопияси усуллари билан ўзаро бирлаштириш орқали тупроқдаги органик углеродни баҳолаш ва башорат қилиш бўйича мақсадли амалий лойиҳани амалга ошириш.	2024-2027 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
20.	Тупроқдаги гумус миқдорини бошқариш орқали унинг унумдорлигини ошириш учун зоогумус ва наноўғитлар қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли амалий лойиҳани амалга ошириш.	2024-2027 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов)
III. Деградацияга учраган яйловларида тупроқларни химоя қилиш тадбирлари				
21.	Республикадаги 677 минг гектар яйлов ерларини деградациядан чиқариш бўйича аниқ механизмларга асосланган тадбирларни амалга ошириш. Бунда: деградацияга учраган яйловларнинг рақамли хариталарини ишлаб чиқиш; яйловларда чорва босимини камайтириш ва уларни алмашлаб боқишнинг оқилона тизимини йўлга қўйиш; аутсорсинг қилинган ихтисослашган ташкилот орқали яйловларни бошқаришнинг сунъий йўлдошли интеграциялашган тизимини жорий этиш (бу чорвалар ўтлашининг реал вақт режимида мониторингини таъминлайди); деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш ва маҳсулдорлигини оширишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;	2024-2025 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И. Эргашев), “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси (Э. Хаитов), Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н. Бакиров), “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (Р. Тўраев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар	вазирлик ва идоралар
	ҳудудларда яйлов уруғчилиги базасини ривожлантириш; яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича давлат назорати ва мониторингини олиб бориш.			
22.	Деградацияга учраган 677 минг гектар яйловларни тиклаш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинишини таъминлаш. Бунда: чўл-яйлов озикабоп ўсимликлар уруғчилигини ташкил этиш; ўсимлик қоплами камайган яйловларда чорва молларини алмашлаб боқиш тизимини жорий қилиш; делтапланлар ва бошқа учувчисиз учиш курилмалари ёрдамида уруғлар сепиш ишларини амалга ошириш.	2024-2026 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И. Эргашев), Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н. Бакиров), “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси (Э. Хаитов)

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “20 ” февралдаги 97 -сон қарорига
3-илова

Тупроқдаги гумус миқдорини ошириш ва шўрланишни камайтириш бўйича тажрибаларни ўтказиш
учун ташкил этиладиган кўрғазмали майдонларнинг ҳажмлари ва йўналишлари

Т/р	Худудлар номи	Ташкил этиладиган жами кўрғазмали майдонлар (гектар)	Шундан, кўлланиладиган ўғит турлари (гектар)			
			таркибида гумин кислотаси мавжуд бўлган кўнғир кўмир ва фосфорит асосида олинadиган гумусга бой оддий суперфосфат ўғити	қорамол гўнги, фосфорит ва ўсимликлар қолдиқларидан тайёрланадиган гумусга бой ўғит	“Биосолвент” композицияси	“Fujimin” технологияси
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	500	200	100	100	100
2.	Андижон вилояти	500	200	100	100	100
3.	Бухоро вилояти	500	200	100	100	100
4.	Жиззах вилояти	500	200	100	100	100
5.	Қашқадарё вилояти	500	200	100	100	100
6.	Навоий вилояти	500	200	100	100	100
7.	Наманган вилояти	500	200	100	100	100
8.	Самарқанд вилояти	500	200	100	100	100
9.	Сурхондарё вилояти	500	200	100	100	100
10.	Сирдарё вилояти	500	200	100	100	100
11.	Тошкент вилояти	500	200	100	100	100
12.	Фарғона вилояти	500	200	100	100	100
13.	Хоразм вилояти	500	200	100	100	100
Жами:		6 500	2 600	1 300	1 300	1 300

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “20” февралдаги 97 -сон қарорига
4-илова

**Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни
ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун
субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низоми пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) ҳисобидан пахта хомашёсини етиштирадиган ердан фойдаланувчиларга, жумладан, агрокластерларга (кейинги ўринларда – ердан фойдаланувчилар) ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўм миқдорида субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низоми 2026 йил 1 январга қадар амал қилади.

Мазкур қарорга мувофиқ 2024-2025 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш тажрибаси ўтказиладиган ҳудудлар рўйхатига киритилган туманларда ердан фойдаланувчиларга субсидия ажратилади.

2. Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари амалга оширилган пахта майдонларига нисбатан ҳисобланади.

3. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш тартиби ушбу Вақтинчалик низомига 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни
ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиладиган
ердан фойдаланувчиларнинг рўйхатини шакллантириш**

4. Ердан фойдаланувчилар пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиладиган ердан фойдаланувчиларнинг рўйхатига (кейинги ўринларда – ердан фойдаланувчилар рўйхати) кириш ва субсидия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмасига (кейинги ўринларда – ишчи орган) “Agrosubsidiya” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Agrosubsidiya” АТ) орқали 2024 йил 1 июлга қадар 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Аризага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Ердан фойдаланувчилардан ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5. Ишчи орган ердан фойдаланувчиларнинг аризасига асосан 2024 йил 10 июлга қадар (ариза тушган кундан 10 кун муддат ичида) ердан фойдаланувчиларнинг номи, манзили, пахта майдони тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқади ҳамда ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритиш ва субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани “Agrosubsidiya” АТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2024 йил 20 июлга қадар ердан фойдаланувчилар рўйхатини “Agrosubsidiya” АТ орқали электрон имзо билан тасдиқлайди.

6. Ердан фойдаланувчилар рўйхати куйидаги мезонларга асосан шакллантирилади:

ердан фойдаланувчиларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;

ердан фойдаланувчиларнинг экин майдони 2024-2025 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш тажрибаси ўтказиладиган ҳудудлар рўйхатига киритилган туманда жойлашганлиги;

ердан фойдаланувчилар билан тузилган ер ижара шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги.

Ердан фойдаланувчиларнинг мазкур бандда белгиланган мезонларнинг камида биттасига мувофиқ келмаслиги ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритишни рад этиш учун асос бўлади.

Ердан фойдаланувчиларни ушбу бандда назарда тутилмаган асосларга кўра ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритишни рад этишга йўл қўйилмайди.

7. Ишчи орган 2024 йил 1 августга қадар “Agrosubsidiya” АТ орқали:

ердан фойдаланувчиларни ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритилганлиги ёки рўйхатга киритиш рад этилганлиги тўғрисида хабардор қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тасдиқланган ердан фойдаланувчилар рўйхатини Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши (кейинги ўринларда – Пахтачилик кенгаши) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритиш рад этилганда, ердан фойдаланувчилар юқори турувчи органга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

8. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш бўйича ердан фойдаланувчилар рўйхатини тўғри шакллантирилиши ҳамда тегишли маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳамда ишчи органга юкланади.

3-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

9. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ердан фойдаланувчилар рўйхатини олгандан сўнг, уч иш куни ичида пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини (кейинги ўринларда – агротехника тадбирлари режаси) ишлаб чиқиш учун ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритилган ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонлари тупроғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар базасига асосан тупроқ ҳолати ҳақидаги хулосани тайёрлайди ҳамда хулосани “Agrosubsidiya” АТ орқали ердан фойдаланувчига ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.

Ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати ҳақидаги хулосада тупроқнинг балл бонитети, шўрланиш даражаси, фосфор, калий ва гумус миқдори тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

10. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти Пахтачилик кенгаши билан биргаликда жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижалари ва тупроқ ҳолати ҳақидаги хулосага асосан агротехника тадбирлари режасини ишлаб чиқади. Агротехника тадбирлари режасида:

- а) Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан:
 - ерларни шудгор қилиш ва текислаш;
 - тупроқ эрозиясига қарши курашиш;
 - гумус миқдорини ошириш;
 - минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш;
 - шўрланган ерларда мелиорация ишларини амалга ошириш бўйича агротехника тадбирлари белгиланади.
- б) Пахтачилик кенгаши томонидан:
 - ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза навларини танлаш;
 - илмий асосланган агротехника тадбирларини ўтказиш;

алмашлаб (навбатлаб) экиш, оралиқ ва сидерат экинлардан фойдаланиш;
минерал ўғитлар билан озиқлантириш, стимуляторлар ва бошқа
микроэлементларни қўллаш бўйича агротехника тадбирлари белгиланади.

11. Агротехника тадбирлари режаси Тупроқшунослик ва агрокимёвий
тадқиқотлар институти, Пахтачилик кенгаши ҳамда ердан фойдаланувчилар
томонидан тасдиқланади.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти тасдиқланган
агротехника тадбирлари режасини 2024 йил 15 августга қадар “Agrosubsidiya” АТ
орқали Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.

4-боб. Субсидия ажратиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим
этилган аризага асосан қуйидаги маълумотларни мустақил равишда
“Agrosubsidiya” АТ орқали олади:

ердан фойдаланувчиларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

ердан фойдаланувчиларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқини
тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати ҳақида хулоса;

пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш
бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режаси.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2024 йил
10 сентябрга қадар ердан фойдаланувчилар рўйхатини ва тақдим этилган
ҳужжатларни умумлаштиради.

5-боб. Ердан фойдаланувчиларга субсидиялар ажратиш

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ердан
фойдаланувчилар рўйхатига мувофиқ Давлат бюджетидан ажратиладиган
субсидиянинг дастлабки 70 фоизини 2024 йил 20 сентябрга қадар қуйидаги
тақсимотга кўра ташкилотларнинг ҳисобварақларига ўтказиб беради:

60 фоизини – ердан фойдаланувчиларга;

5 фоизини – Пахтачилик кенгашига;

4 фоизини – Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтига;

1 фоизини – “Агросаноатни ривожлантириш маркази” МЧЖга.

Бунда ердан фойдаланувчилар учун ундирувга йўл қўйилмайдиган
махсус мақсадли ҳисобварақлар очилади.

15. Пахтачилик кенгаши 2025 йил 25 ноябрга қадар ердан фойдаланувчиларнинг 2025 йилдаги пахта ҳосилдорлигини аввалги йил билан таққослаган ҳолда маълумот тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Пахтачилик кенгашининг маълумотига асосан пахта ҳосилдорлиги аввалги йилга нисбатан 10 фоиз ёки ундан кўп миқдорда ошганда, 2025 йил 20 декабрга қадар субсидиянинг қолган 30 фоизини ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобварағига ўтказди.

6-боб. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирларини мониторинг қилиш

17. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахтачилик кенгаши:

ердан фойдаланувчилар томонидан ҳар бир агротехника тадбири ва бошқа вазифаларнинг агротехника тадбирлари режасида белгиланган муддатда ва сифатли амалга оширилганлигини мониторинг қилади;

мониторинг натижалари бўйича маълумотларни, пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни тайёрлайди ҳамда тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш учун ердан фойдаланувчиларга ва ишчи органга тақдим этади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

18. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича техник ишчи гуруҳ 2026 йил 1 январга қадар пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратишнинг самарадорлик кўрсаткичини баҳолайди. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичи 10 фоиз ёки ундан кўп миқдорда ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи “ижобий”;

ердан фойдаланувчи субсидиядан фойдаланмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиядан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда ёхуд пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари пасайганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи “салбий” деб баҳоланади.

19. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника
тадбирлари учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисида вақтинчалик низомга
1-илова

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш
бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
-----------	------------	-----------	-----------

I. Ердан фойдаланувчиларнинг рўйхатини шакллантириш

1-босқич	Ердан фойдаланувчилар	Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия олиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли худудий бўлинмаларига (кейинги ўринларда – ишчи орган) мурожаат қилади.	2024 йил 1 июлга қадар
2-босқич	Ишчи орган	1. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш тўғрисидаги мурожаатларни ўрганиб чиқади. 2. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника тадбирлари учун субсидия ажратиш мумкин бўлган ердан фойдаланувчилар рўйхатини шакллантиради ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар	2024 йил 20 июлга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
		ҳокимликларига тасдиқлаш учун юборади. 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган ердан фойдаланувчилар рўйхатини Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахтачилик кенгашига юборади.	

II. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини ишлаб чиқиш

1-босқич	Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти	Маълумотлар базасига асосан ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати ҳақидаги хулосани тайёрлайди ҳамда уни ердан фойдаланувчиларга ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.	Ердан фойдаланувчилар рўйхатига киритилгандан сўнг 3 иш куни ичида
2-босқич	Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда Пахтачилик кенгаши	1. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини ишлаб чиқади. 2. Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини тасдиқлайди	2024 йил 15 августга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
		ва тасдиқланган агротехника тадбирлари режасини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.	

III. Субсидия ажратиш

1-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ердан фойдаланувчилар рўйхати ва тақдим этилган хужжатларни умумлаштиради ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва Пахтачилик кенгашига юборади.	2024 йил 10 сентябрга қадар
2-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ишчи орган томонидан тақдим этилган ердан фойдаланувчилар рўйхатига мувофик субсидиянинг 70 фоизини белгиланган миқдорларда ердан фойдаланувчилар, Пахтачилик кенгаши, Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳамда “Агросаноатни ривожлантириш маркази” МЧЖ ҳисобварақларига ўтказди.	2024 йил 20 сентябрга қадар
3-босқич	Пахтачилик кенгаши	Ердан фойдаланувчиларнинг 2025 йилдаги пахта ҳосилдорлигини аввалги йил билан таққослаган ҳолда хулоса тайёрлайди ва субсидиянинг қолган	2025 йил 25 ноябрга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
		қисмини ажратиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.	
4-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Пахтачилик кенгашининг маълумотига асосан пахта ҳосилдорлиги аввалги йилга нисбатан 10 фоиз ёки ундан кўп миқдорда ошганда, субсидиянинг қолган 30 фоизини ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобварағига ўтказади.	2025 йил 20 декабрга қадар

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги
ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехника
тадбирлари учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисида вақтинчалик низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигига

томонидан

Ариза

_____ тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган “_____”
фермер хўжалиги (МЧЖ) томонидан 20__ йил жами _____ гектар, жумладан,
_____ - контурдаги _____ гектар, _____ - контурдаги _____ гектар, _____ - контурдаги
_____ гектар пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни
ошириш бўйича агротехника тадбирларини ўтказиш мақсадида

(агротехника тадбири номи)

бажариш учун Давлат бюджетидан субсидия ажратилишини сўрайман.

Субсидия маблағлари ҳисобидан тупроқдаги гумус миқдорини ошириш,
деградацияга қарши курашиш, оралик ва сидерат экинларни экиш, органик
ўғитлардан фойдаланиш, шўрланган ерларда мелиорация ишларини амалга
ошириш бўйича агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш
орқали икки йил давомида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишга
кафолат бераман.

Тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки реквизитлари _____

Сана: 2024 йил “____” _____

“_____” фермер хўжалиги (МЧЖ)
раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

